

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШЕРМАТОВА САОДАТ ЭЛЁРОВНА

**ОЛИГОМЕНОРЕЯ КУЗАТИЛГАН ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ТУХУМДОН
ЕТИШМОВЧИЛИК РИВОЖЛАНИШИНING ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ
БАҲОЛАШ ВА РЕПРОДУКТИВ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ
ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шерматова Саодат Элёрвна

Олигоменорея кузатилган ўсмир қизларда тухумдон
етишмовчилик ривожланишининг хавф омилларини
баҳолаш ва репродуктив касалликларини олдини олиш 3

Шерматова Саодат Эльёровна

Оценка факторов риска прогрессирования яичниковой
недостаточности и профилактика репродуктивных
нарушений у девушек с олигоменореей 25

Shermatova Saodat Elyorovna

Assessment of risk factors for the progression
of ovarian insufficiency and prevention of reproductive
disorders in adolescent girls with oligomenorrhea 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШЕРМАТОВА САОДАТ ЭЛЁРОВНА

**ОЛИГОМЕНОРЕЯ КУЗАТИЛГАН ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ТУХУМДОН
ЕТИШМОВЧИЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ
БАҲОЛАШ ВА РЕПРОДУКТИВ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ
ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1856 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий- амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzaig.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Иргашева Севара Уткуровна тиббиёт фанлари доктори, к.и.х.
Расмий оппонентлар:	Каримова Феруза Джавдатовна Тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Якубова Олтиной Абдуганиевна Тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_»_____куни соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 132А- уй. Тел./факс: (+99871) 263-47-50; (+99871) 263-84-83 e-mail: info@uzaig.uz.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий- амалий тиббиёт марказида танишиш мумкин (_____-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132-а уй. Тел./факс: (+99871) 263-47-50; (+99871) 263-84-83 e-mail: info@uzaig.uz.

Диссертация автореферати 2024 йил «_»_____да тарқатилди.(2024 йил «_»_____даги_рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Надирханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

М.М.Файзрахманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, биология фанлари номзоди

М.М. Асагова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўсмир қизларда олигоменорея (ОМ) болалар гинекологига мурожаат қилишнинг энг кенг тарқалган сабабидир. ХКТ-10да олигоменорея мустақил нозологик кодларга эга бўлишига ва “жинсий органларнинг яллиғланишсиз касалликлари” блокига киришига қарамай, ушбу патология, тухумдонлар фаолиятининг бузилишидан келиб чиққан бир қатор касалликлар ва патологик ҳолатларни аломатидир. Пубертат давридаги олигоменорея бир қатор жиддий бузилишлар ва касалликларнинг предиктори бўлиши мумкин, хусусан, сурункали овариал етишмовчилиги ва тухумдонлар функциясининг эрта пасайишига олиб келишда намоён бўладиган, эрта тухумдон етишмовчилигининг башоратчиси бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда 15-18 ёшдаги ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлиги ҳолати алоҳида эътиборга лойиқдир. АСОГ маълумотларига кўра “...ўсмир давридаги анормал ҳайз кўриш тартибини аниқлаш, репродуктив ёшдаги соғлиқ муаммоларини эрта аниқлашни яхшилаши мумкин”¹. Олигоменорея билан оғриган ўсмир қизларда тухумдонлар захирасининг пасайиши ушбу патологик ҳолатни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда тухумдонларнинг эрта етишмовчилигини ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш ва ҳайз кўриши бузилган ўспиринларда репродуктив касалликларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Репродуктив тизим касалликларининг иккиламчи профилактикаси усулларини ишлаб чиқиш замонавий ўспирин гинекологиясининг устувор ва долзарб йўналиши ҳисобланади. Шу муносабатда тухумдонлар етишмовчилиги ривожланишининг клиник, иммунологик, гормонал хусусиятларини ўрганиш, олигоменореянинг турли шакллари диагностикасини такомиллаштиришга, олигоменорея билан касалланган ўспирин қизларни олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда анъанавий равишда оила институтини қўллаб-қувватлаш ва соғлом авлодни шакллантиришга катта эътибор қаратиб келинган. Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, касалликларни барвақт ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда 10-19 ёшдаги ўсмирлар сони умумий аҳолининг 7,9 фоизини ташкил этади². Уларнинг саломатлиги ва фаровонлиги соғлом ва барқарор жамиятни яратиш бўйича интилишдаги ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи кучдир. Республикада ўсмирлар саломатлиги ва ривожланишини муҳофаза қилиш муҳимлигини ҳисобга олиб,

¹ Menstruation in girls and adolescents: using the menstrual cycle as a vital sign. Committee Opinion No. 651. American College of Obstetricians and Gynecologists. Obstet Gynecol 2019;126:e143–6.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари, 2023 й.

бугунги кунда ушбу тоифадаги аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича жуда кўп ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ–6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2022-йил 25-апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2023 йил 08-сентябрдаги ПҚ-296-сонли «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жахонда хорижий олимларнинг маълумотларига кўра, ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги муаммоси бўйича қатор тадқиқотлар ўтказилган (Morris, J.L., 2015; Santhya K.G., 2019). Бироқ, бугунги кунга қадар қизларда олигоменорея тузилиши ҳақида маълумотлар йўқ, унинг айрим шакллари ривожлантириш учун хавф омиллари ўрганилмаган, тухумдон етишмовчилиги ривожланиши хавфи гуруҳига кирувчи беморларга етказиш масалалари бўйича аниқ илмий тавсиялар мавжуд эмас. Замонавий тадқиқотларга кўра, тухумдон етишмовчилиги ривожланишининг сабаблари гетероген бўлиб, генетик, иммунологик (шу жумладан аутоиммун), юқумли ва токсик, ферментатив тизимлардаги нуқсонлар ва гонадотропинлар тузилишидаги ўзгаришлар билан ифодаланиши мумкин (Chon S.J., Umair Z. and Yoon M-S., 2021; Michala L., Stefanaki K., 2020).

Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг В.И.Кулаков номидаги Миллий Акушерлик, гинекология ва перинатология тиббий тадқиқот маркази олигоменорея билан оғриган беморларни олиб боришда катта тажрибага эга. Аменорея ва олигоменорея билан оғриган аёлларни олиб бориш бўйича федерал клиник тавсиялар мавжуд (Адамян Л.В. ва бошқалар, 2021). Олигоменорея сабабларини ташхислаш ва даволаш гинекологиянинг жиддий ва долзарб муаммосидир. Ҳозирги вақтда репродуктив тизимнинг ишлаши эндокрин ва иммунитет тизимларининг яқин ўзаро ҳаракати билан амалга оширилиши исботланган (Трошина Е.А., 2021). Гормонларнинг хужайра даражасидаги таъсири кўплаб пептид ўсиш омилларини жалб қилиш орқали амалга оширилади, улар орасида иммунокомпетент хужайралар (ИКХ) томонидан ишлаб чиқарилган лимфогематопоестик цитокинларга алоҳида ўрин ажратилган.

Ўзбекистон олимлари томонидан ўсмирлардаги ҳайз даврининг бузилиши долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бир гуруҳ олимлар ялиғланувчанг цитокинларнинг юқори плазма даражасида амалга ошириладиган иммунитет тизимининг фаоллашиши, гипоталамо-гипофизар-тухумдон ўқининг функционал ҳолатини бузишига таъсири бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказдилар (Мусаходжаева Д.А., Хайдарова Ф.А., 2014; Арипова Ф.А., 2015 Музаффарова С.А. 2022). Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳайз кўриш функцияси бузилган беморларда ялиғланувчи цитокинларнинг фаоллиги ошади, шунингдек иммунитет тизимининг ҳужайра ва гуморал алоқалари фаоллашади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур патология бўйича олиб борилган тадқиқотлар сони кўп бўлса-да, бугунги кунда ялиғланувчи цитокинларнинг тухумдонларнинг гормонал фаоллигини бузишда иштирок этиши, шунингдек, уларнинг репродуктив тизим шаклланиши пайтида воситачилик қилинган гормонал жавобдаги роли ҳақидаги саволларга ҳали жавоб топилмаган. Шу билан бирга, тухумдонларнинг гормонал фаоллигини бузишда ялиғланувчанг цитокинларнинг ўрни, шунингдек уларнинг репродуктив тизим ривожланишидаги воситачилик гормонал жавобдаги ўрни етарлича ўрганилмаган. Замонавий даволаш усуллари шифокорларни ҳам, беморларни ҳам тўлиқ қаноатлантирмайди. Касалликнинг этиопатогенетик механизмлари ҳали охиригача ўрганилмаганлиги гинекологиянинг жиддий муаммоларидан бири бўлиб, ташхислаш усуллари оптималлаштиришни тақозо этади. Юқорида келтирилган фактлар, олигоменореяси бор ўсмир қизларни табақалаштирилган бошқаришни такомиллаштириш зарурлигини, тухумдонлар етишмовчилигининг ривожланиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ва ушбу диссертация тадқиқотининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - изланиш ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ўсмир қизлар гинекологияси йўналиши бўйича илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади тухумдон етишмовчилигининг ривожланишини предикторларини аниқлаш асосида, олигоменорея билан касалланган ўспирин қизларни бошқариш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олигоменореянинг сабаб омилларини аниқлаш, ўсмирлик даврида идиопатик олигоменореянинг клиник ва анамнестик ва гормонал хусусиятларини баҳолаш;

клиник - гормонал ва иммунологик тадқиқотлар маълумотларига асосланиб, ўспиринларда олигоменореяда тухумдонлар етишмовчилигининг ривожланиш хавфини аниқлаш;

идиопатик олигоменореяси бор ўсмирларда хужайра иммунитет ва цитокин ҳолати кўрсаткичларини аниқлаш;

ўсмирларда олигоменорея ҳолатида тухумдонлар етишмовчилигининг ривожланишини дифференциал киритиш принципларини ва иккиламчи олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази (амбулатор даволаш) назоратида бўлган 15-19 ёшдаги олигоменореяси бор 109 нафар ўсмир қиз, ҳайз цикли нормал бўлган шу ёшдаги 60 нафар қиз олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 15-19 ёшдаги 109 нафар ўсмир қизларнинг периферик қон зардоби, иммунологик тадқиқотлар учун 71 нафар бемордан зардоб ва бутун қон, клиник ва лаборатория текширувлари натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, гормонал, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўсмир қизларда идиопатик олигоменорея (ИОМ) мустақил омили сифатида киритилган ва олигоменорея тузилиши аниқланган;

идиопатик олигоменорея ўсмирларда тухумдонлар етишмовчилигининг ривожланиши учун хавф омили сифатида қаралиши кераклиги исботланган;

илк бор идиопатик олигоменореянинг диагностик белгиси сифатида иммунорегуляцион индекси ҳисоби ишлаб чиқилган;

идиопатик олигоменорея ҳолатида тухумдон етишмовчилиги ривожланишининг иккиламчи олдини олиш усули сифатида ултрамикродозланган КОКларни қабул қилиш зарурияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

идиопатик олигоменорея билан оғриган ўсмир қизларда тухумдонлар етишмовчилигининг ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш олигоменореянинг клиник белгилари бўлган анамнестик, клиник, лаборатор ва инструментал текшириш натижаларига асосланган;

олигоменорея билан оғриган ўсмир қизларни текширишда амалий гинекологияда идиопатик олигоменорея билан оғриган беморларда ИЛ-6 даражасининг ошиши ва АМГнинг пасайишини ўз вақтида аниқлаш тухумдонлар етишмовчилиги ривожланишининг олдини олишга асосланган;

тухумдон етишмовчилигининг оғирлигини аниқлаш учун ИЛ-6/АМГ прогностик белгиларидан фойдаланиш келажақда репродуктив касалликларнинг ривожланишини башорат қилишга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувлар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, замонавий, бир-бирини тўлдирувчи умумклиник, инструментал, иммунологик, микробиологик ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва

маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, идиопатик олигоменорея ривожланиши учун энг асосий хавф омиллари белгиланди, уларга 47 фоиз ҳолларда муддатдан олдинги туғруқ; 52,9 фоиз ҳолларда биричи триместр оғир токсикози; 52,9 фоиз ҳолларда онада қалқонсимон без касаллиги; 52,9 фоиз ҳолларда ҳомила кўтаролмаслик; 58,8 фоиз ҳолларда онада ҳайз дисфункцияси; 52,9 фоиз ҳолларда анамнезда бепуштлиқ.

Идиопатик олигоменореяда тухумдонлар захирасининг пасайиши иммунитет тизимининг ўзгариши билан тавсифланади, бу яллиғловчи цитокинлар даражасининг ИЛ-1 миқдорининг 1,75 баравар ортиши, ИЛ-6 миқдорининг 3,2 баравар ортиши ва ТНФ миқдорининг 1,8 баравар ортиши билан намоён бўлади, шунингдек АМГнинг 2,2 баробар камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўсмирларда олигоменореянинг турли шакллари учун диагностика алгоритми таклиф этилди ва синовдан ўтказилди, бу терапевтик ва профилактика чораларига табақалаштирилган ёндашишга имкон берган; идиопатик олигоменореянинг диагностик белгиси сифатида Иммунорегуляция индексини (ИИ) ҳисоблаш тавсия етилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт Кенгашининг хулосаси (19.02.2024 №14 д-и/7) асосида тасдиқланган:

биринчи илмий янгилик: биринчи марта ўсмир қизларда олигоменореянинг тузилиши ва идиопатик олигоменорея (ИОМ) касалликнинг мустақил омили сифатида киритиш билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг буйруғи билан аниқланди (№ 9 и-и/4 от 31.10.2023г.), у Тошкент вилояти Қибрай РМО ва шаҳар ўсмирлар марказининг клиник амалиётига жорий етилди. ***Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги*** қуйидагича: • ИОМ билан касалланган ўсмирларни эрта аниқлаш репродуктив даврда эрта тухумдон етишмовчилик билан касалланишнинг мумкин бўлган ҳолатларини камайтиради; • ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашув тухумдон етишмовчилиги бўлган ўспиринларни кейинги даволаш натижаларини яхшилади; амалиётчи шифокорлар томонидан диагностик қидирувни осонлаштиришга хизмат қилади. ***Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*** қуйидагича: • ИОМ билан касалланган ўспиринларни эрта аниқлаш репродуктив ёшдаги тухумдон эрта етишмовчилигини даволаш харажатларини камайтиришга имкон беради; • лаборатория текширувлари сонини ҳар бир бемор учун 678,500 сўмдан 264,300 сўмгача қисқартириш имконияти туфайли диагностика маблағлари ўртача тежаб қолинди. ***Хулоса:***

таклиф қилинган тузилмадан ИОМ киритилган ҳолда фойдаланиш ҳар бир бемор учун бюджет маблағларини 414,200 сўмга тежаш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: цитокин ҳолати кўрсаткичлари ва АМГ ўртасидаги корреляцион муносабатларни ўрганишга асосланиб, ИОМ ўсмирлик даврида тухумдонлар етишмовчилигининг ривожланиши учун хавф омили сифатида кўриб чиқилиши кераклиги, шунингдек Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг буйруғи билан исботланди(№ 9 и-и/4 от 31.10.2023г.) Тошкент вилояти Қибрай туман тиббиёт маркази ва шаҳар ўсмирлар маркази клиник амалиётига жорий етилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • ўсмирлардаги репродуктив касалликлар сонини камайтиради; • тухумдон эрта етишмовчилигини эрта ташхислашни оптималлаштиришга имкон беради; кейинги асоратлар ва тухумдон эрта етишмовчилик сонини камайтиришга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • диагностик тадқиқотлар сонини қисқартириш орқали ташхис қўйиш нархини ҳар бир беморга 678 500 сўмдан 264 300 сўмгача камайтиради. **Хулоса:** натижада ҳар бир беморга 414 200 сўмдан бюджет маблағларини тежаш имконияти яратилди.

учинчи илмий янгилик: биринчи марта ИИни ИОМнинг диагностик белгиси сифатида ҳисоблаш таклиф қилинди, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг буйруғи билан (№ 9 и-и/4 от 31.10.2023г.), у шаҳар клиник амалиётига жорий етилди. Тошкент вилояти Қибрай РМО ва Тошкент шаҳар ўсмирлар маркази. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • идиопатик олигоменореяни аниқлаш, олигоменорея турлари бўйича ҳайз кўриш бузилишининг сабабларини диагностик кидиришни торайтиришга имкон беради • касалликларни ташхислаш сифатини яхшилади; қўшимча диагностика турларининг нархини пасайтиради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • ИОМни аниқлаш касалликнинг сабабини аниқлаш учун зарур бўлган қўшимча тадқиқотлар учун харажатларни ўртача 504,600 минг сўмга камайтирди (РИАГИАТМ нархлари рўйхатига кўра, олигоменореяга олиб келадиган асосий гормонал касалликлар бўйича тадқиқотларнинг ўртача нархи 729,900 сўм, УТТ- 83 200 сўм). **Хулоса:** ИОМни аниқлаш туфайли касалликнинг сабабини аниқлашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар нархи ўртача 504,600 сумга камайди.

тўртинчи илмий янгилик: ИОМда ултрамикродозланган КОКлардан фойдаланиш тухумдон етишмовчилиги ривожланишининг иккиламчи олдини олиш усули сифатида илмий асосланган ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг (№ 9 и-и/4 от 31.10.2023г.) буйруғи билан жорий етилган. Қибрай ТТО ва Тошкент вилояти шаҳар ўсмирлар марказининг клиник амалиёти. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • ушбу тактика

ўспиринларда тухумдон етишмовчилиги ривожланишининг ўз вақтида олдини олишга имкон беради; • этиологияси номаълум олигоменорея билан оғриган ўсмирларнинг ҳаёт сифатини ва даволашни яхшилайти; • келажакда репродуктив касалликларнинг олдини олишга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • олигоменорея каби ҳайз кўриш касалликлари билан оғриган ўсмирларни даволаш учун тўғридан-тўғри тиббий харажатлар камайганлиги сабабли харажатларни тежаш; • дори-дармонлар ҳар бир беморга 230 000 сўмга кам талаб қилинган (дори-дармонларга ўртача 300 000 сўм сарфланади). **Хулоса:** ХМТ билан касалланган қизларни ўз вақтида текшириш ва даволаш натижасида бюджетдан ташқари маблағларни ҳар бир ўсмирга 230 000 сўмдан тежаш, натижада ишлатиладиган дорилар сонини камайтириш мумкин бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та халқаро республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 6 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетлик компютер матнини ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва унга талаб борлиги асослаб берилган, мақсадлар, вазифалар, объект ва тадқиқот предмети шакиллантирилган, бу билан тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, бу натижаларнинг ишончлилигига асосланган. Шунингдек, тадқиқот натижаларини амалга ошириш, бу натижаларни ва диссертациянинг тузилишини синовдан ўтказиш ва нашр этиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олигоменорея билан оғриган ўсмир қизларда репродуктив тизим физиологияси ва унинг патологияси”** деб номланган биринчи бобида халқаро илмий-тадқиқот асослари бўйича адабиётларни кўриб чиқишни ўзида намоиш қилган. Замонавий илмий адабиётларнинг тақдим этилган шарҳи ўсмирлик даврида олигоменорея муаммосининг долзарблигини тасдиқлайди ва ўсмирлик даврида репродуктив салоҳиятни пасайтирувчи олигоменореянинг сабаб омилларини потенциал хавф омиллари сифатида, чуқур таҳлилни ўз ичига олган. Ўзбекистонда ўсмирларнинг

репродуктив саломатлиги муаммосига бағишланган қатор тадқиқотлар ўтказилган. Бироқ, бугунги кунга қадар қизларда олигоменорея тузилишига тегишли маълумотлар йўқ, шунга яраша касалликнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси, шунингдек, репродуктив бузилишлар ва тухумдонларнинг функционал етишмовчилигининг ривожланишини олдиндан билиш имконияти бўйича аниқ илмий асосланган тавсиялар мавжуд эмас.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот ўтказишда услубий ёндашув келтирилган. Ушбу бобда текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари ва текшириш усуллари келтирилган. Олигоменореянинг клиник белгилари бўлган 15-19 ёшдаги 109 та ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган текширов натижалари клиник - статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида олигоменореянинг клиник кўриниши бўлган 109 ўсмир қизнинг истиқболли текшируви ўтказилди. Беморларни текшируви анамнестик маълумотларни тўплашни, жисмоний ва жинсий ривожланишни баҳолашни, гормонал тадқиқотлар ва кичик тос аъзоларини ультратовушли ўрганишни ўз ичига олган.

Ўрганиш мезонлари:

1. 15-19 ёшдаги ўсмир қизлар;
2. ҳайз кўриш орасидаги вақт оралиғи 42 кундан 6 ойгача, менархе замонавий ёшдалиги билан;
3. гинекологик ёш камида 2 йил;
4. беморнинг тадқиқотга хабардор бўлиб, розилиги.

Истисно мезонлари:

1. гипо-ва гипергонадотроп олигоменорея;
2. тухумдонларда жарроҳлик аралашувлар;
3. суб ва декопенсацияланган экстрагенитал патологиянинг мавжудлиги;
4. тадқиқот ўтказишгача охириги 3 ой давомида КОЖ ва бошқа гормонал дориларни қабул қилиш.

Олигоменорея билан оғриган беморлар 2 клиник гуруҳга бўлинган: идиопатик олигоменорея (ИОМ) ва аниқлик киритилган олигоменорея (АОМ).

Идиопатик олигоменорея (ИОМ) гуруҳига этиологияси ноаниқ олигоменорея билан оғриган беморлар киритилган. Беморларни аниқлик киритилган олигоменорея (АОМ) билан гуруҳга киритиш мезони олигоменореянинг аниқланган сабаби эди. Назорат гуруҳи ҳайз цикли нормал бўлган 60 бемордан иборат топган.

Иккинчи босқичда АОМ билан касалланган 34 қиз ва ИОМ билан касалланган 17 қиздан иборат танловда иммунологик тадқиқотлар ўтказилди. Назорат гуруҳи белгиланган ҳайз цикли бўлган 20 ўсмирлардан иборат эди.

II босқич учун қўшимча истисно мезонлари қуйидагилар эди:

1. Поликистозли тухумдонлар синдроми (ПКТС) ва Буйракусти пўстлоғининг туғма дисфункцияси (БПТД) дан ташқари олигоменореянинг сабаб омиллари.

2. Ўткир ёки сурункали юқумли касалликлар.
3. Жинсий органларнинг яллиғланиш касалликлари.
4. Текширув вақтида ва анамнезда неоплазмалар.

III босқичда олигоменорея билан оғриган ўсмирларда тухумдон етишмовчилигининг ривожланиши учун энг ишончли хавф омиллари аниқланди.

IV босқичда ультрамикродозаланган КОК нинг ИОМ билан оғриган беморларнинг зардобидаги яллиғланишга қарши цитокинлар даражасига таъсири ўрганилади.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш “Statistica 6.0” дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилди. Рақамли маълумотларнинг нормал тақсимот қонунига мувофиқлиги баҳоланди. Асосий характеристикалар арифметик ўртача (М) ва стандарт оғиш (СД) кўринишда тақдим этилади. $p < 0.05$ да фарқланишлар ҳақиқий деб ҳисобланди.

Белгининг нормал тақсимланиши ҳолатида t Стъюдент мезонига мувофиқ фарқларнинг аҳамияти аниқланди.

Диссертациянинг **“Ўсмирлик ёшида идиопатик олигоменореянинг клиник-гормонал хусусиятлари”** деб номланган учинчи боби ўсмир қизлардаги олигоменореянинг сабаблари факторларини, идиопатик олигоменорея билан оғриган ўсмир қизларни клиник хусусиятларини тавсифлашга бағишланган, идиопатик олигоменорея билан оғриган қизларда бачадон ва тухумдонларнинг эхографик хусусиятларига қиёсий жиҳатдан, шунингдек, идиопатик олигоменорея билан оғриган ўсмир қизларнинг гормонал кўрсаткичларига тариф берилган.

Ўсмирларда олигоменореянинг асосий сабаблари ва омиллари: поликистоз тухумдон синдроми (35,8%), функционал гипоталамияли олигоменорея (17,4%), гиперпролактинемия (11,4%), гипотиреоз (10,1%), БПТД (10,1%), шунингдек, аниқ сабабчи омилларга эга бўлмаган олигоменорея (идиопатик олигоменорея) -15,5%. АОМ гуруҳида менархенинг ўртача ёши ИОМ гуруҳи ва назорат гуруҳи билан фарқ қилмади $13,5 \pm 0,2$, $13,26 \pm 0,1$ ва $13,0 \pm 0,17$ ёшни ($p > 0,05$) ташкил этди. АОМ ва ИОМ билан гуруҳдаги ҳайз кўриш беморлар томонидан 42 дан 180 кунгача бўлган вақт оралиғида қайд қилинган, ҳайз давомийлиги 2 дан 7 кунгача бўлган. Бирламчи олигоменорея ИОМ гуруҳдаги 8 (47,0%) қизларда ва АОМ гуруҳдаги 45 (48,9%) қизларда кузатилган. Иккиламчи олигоменорея ИОМ билан касалланган 9 (52,9%) қизларда ва АОМ билан гуруҳнинг 47 (51,0%) қизларида кузатилган. Назорат гуруҳида ҳайз даврининг бузилиши кузатилмади. Ёш гуруҳлари бўйича буй-масса курсаткичларини ўрганишда, таққосланган гуруҳларда сезиларли фарқлар топилмади ($p > 0,05$).

Таққослаш гуруҳларида Таннер бўйича жинсий ривожланишни баҳолаши

	Ёши	ИОМ (17)	АОМ (92)	Назорат (20)
IV босқич Таннер бўйича	15-16 ёш	3(17,6%)	14(15,2%)	3 (15%)
	17-19 ёш	2 (11,7%)	12 (13,0%)	2 (10%)
V босқич Таннер бўйича	15-16 ёш	6 (35,3%)	25 (27,1%)	7 (35%)
	17-19 ёш	6 (35,3%)	41 (44,5%)	8 (40%)
Жами	15-19 ёш	17 (100%)	92 (100%)	20 (100%)

*Эслатма: * гуруҳлар орасидаги фарқларнинг аҳамияти ($p < 0.05$)*

ИОМ гуруҳида IV босқич 5 (29,3%) беморда кузатилди, шундан 3 (17,6%) 15-16 ёшда эди ва 2 (11,7%) 17-19 ёшли қизлар эди. Таннерга кўра V босқичли жинсий ривожланиш 12 (70,7%) беморда кузатилган, улардан 6 (35,3%) бемор кичик ёш гуруҳдан ва 6 (35,3%) катта ёш гуруҳидан. Аниқланган олигоменорея (АОМ) билан гуруҳнинг 26 (28,2%) беморларида жинсий ривожланиш IV босқичга, 66 (71,7%) қизларда - V босқичга тўғри келган. (Таннер Ж.,1979 бўйича). Назорат гуруҳида 5 беморда IV ва 15 қизда Таннер градациясига кўра жинсий ривожланишнинг V босқичи бўлган. Жинсий формуласи $Ma5 P5 Ax 4-5$ (1-жадвал).

Олигоменорея билан оғриган ўсмир қизларда андрогенга боғлиқ зоналарда соч ўсишини ўрганиш шуни кўрсатдики, ИОМ билан касалланган гуруҳда гирсут сони (ГИС), гормонал сон (ГОС) ва индифферент сони (ИС) назорат гуруҳидалардан сезиларли даражада фарқ қилмаган ва шунга кўра $3,5 \pm 0,9$, $1,3 \pm 0,6$ ва $2,2 \pm 0,4$ ни ташкил қилди. АОМ гуруҳнинг аксарияти ТПКС ва БПТД (54,3%) билан қизлардан иборат эди. Шунга учун, гирсут шкаласи кўрсаткичларида сезиларли ўсиш кузатилди, бу $12,2 \pm 1,6$ - гирсут сонини, $7,9 \pm 1,4$ - гормон сонини ва $4,3 \pm 0,3$ - индифферент сонни ташкил этди.

Биз томондан 20 потенциал хавф омиллари таҳлил қилинди ва анамнезда ушбу омиллар мавжуд бўлганда идиопатик олигоменорея ривожланишининг имкониятлар муносабати (ИМ) ҳисобланди (2 - жадвал).

Анамнез маълумотларининг ишончли сезиларли кўрсаткичлари қуйидагилар: онанинг анамнезисида эрта туғиш, оғир токсикоз, қалқонсимон без касалликлари, ҳомиладорликни тўхтатиш таҳдиди, тартибсиз ҳайз кўриш ва анамнезда бепуштлик мавжудлиги.

Ҳайз цикли бузилиши билан боғлиқ анамнестик белгилар частотасини таққослашда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар олинди ($p < 0,05$). ИОМда катта даражада қуйидаги 3-жадвалда кўрсатилган белгилар кузатилган.

2-жадвал

Таққослаш гуруҳларидаги беморларда клиник - анамнестик маълумотларни қиёсий баҳолаш

Тавсифнома	ИОМ (1) n=17	АОМ (2) n=92	Назорат (3) n=20	
Онанинг анамнестик маълумотлари				
Онада муддатдан олдинги туғрук			,	< p ₁₋₂ =0,0001 p ₁₋₃ =0,004
I триместрнинг оғир токсикози	,			p ₁₋₂ =0,0001 p ₁₋₃ =0,007
Онадаги қалқонсимон без касалликлари	,		,	p ₁₋₂ =0,0001 p ₁₋₃ =0,007
Анамнезида онада ҳомила кўтаролмаслик	,		,	p ₁₋₂ =0,0001 p ₁₋₃ =0,007
Онада узоқ вақтдаги тушиш хавфи	,		,	p ₁₋₂ =0,0001 p ₁₋₃ =0,007
Онада ҳайз кўриш функциясининг бузилиши	,			p ₁₋₂ =0,006 p ₁₋₃ =0,008
Анамнезда онада бепуштлик	,		,	p ₁₋₂ =0,0001 p ₁₋₃ =0,002
Текширилаётган ўсмирнинг анамнестик маълумотлари				
Туғрукдаги асфиксия / Туғрук жароҳатлари			,	
Болалик инфекциялари			,	
Тез-тез шамоллаш касалликлари			,	
Ортиқча тана вазни			,	
Тана вазн етишмовчилиги			,	
Анамнезда БАҚК			,	
Анамнезда аменорея				
Гирсутизм/гипертрихоз			,	p ₂₋₃ =0,002
Акне			,	
Стриялар мавжудлиги			,	
Гепатит			,	
Ревматизм				
Анамнезда тухумдон кистаси				
УТТда поликистозли тухумдонлар				

3-жадвал

ИОМ ривожланишининг муҳим хавф омиллари

Хавф омили	ИОМ (n=17)	Умумий гуруҳ	P(Фишернинг аниқ кўрсаткичи)	ИМ; 95% ИИ
Муддатдан аввал туғилиш			<0.05*	10; 2,9-34,6
триместрнинг оғир токсикози			<0.05*	9,7; 3,0-31,6
Онадаги ҚБ касалликлари				6,4; 2,08-19,6
Онада ҳомила кўтаролмаслик				9,7; 3,0-31,6
Хайз кўриш функциясининг бузилиши (олиго-аменорея)				5,1; 1,7-15,2
Анамнезда онада бепуштлик				7,7; 2,4-24,4

Шундай қилиб, ИОМ ривожланишидаги муҳим омиллар муддатдан аввал туғилиш, 1-триместрнинг оғир токсикози, онада қалқонсимон без касалликлари, онада ҳомила кўтаролмаслик, хайз кўриш функциясининг бузилиши (олиго-аменорея) ва анамнезда онада бепуштлик.

Ультратовуш текшируви натижалари назорат гуруҳига нисбатан ўрганилган беморларнинг икки гуруҳида бачадон ҳажмининг сезиларли даражада камайганлигини кўрсатади ($p < 0,05$). Шундай қилиб, ИОМ ва АОМ бор гуруҳдаги бачадоннинг ҳажмлари назорат гуруҳига нисбатан ҳар иккала ёшгадоир паст гуруҳларда статистик жиҳатдан сезиларли даражада кичикроқ эди.

Тухумдонлар тухумсимон шаклга, ўртача эхогенлик даражасига ва диаметри 5-9 ммга эга бўлган фолликулаларни ўз ичига олган бўлиб, улар белгиланган эндометрия қалинлиги билан бирга 5-7 кунли хайз даври нормасига тўғри келади. Назорат гуруҳлари ва ИОМ бор гуруҳнинг қиёсий таҳлилида тухумдонлар ҳажмида ҳақиқий сезиларли фарқлар аниқланмаган. АОМ бор гуруҳ беморларида тухумдонлар ҳажми соғлом ўсмирларни кўрсаткичидан каттароқ ($p < 0,05$).

Текширилаётган беморларнинг гормонал ҳолатини ўрганиш ўтказилди. Статистик таҳлил маълумотлари 4-жадвалда келтирилган. Зардоб даражасининг ўртача муҳимлиги ИОМ ва АОМ гуруҳларида деярли бир хил эди, ўртача гуруҳ қийматлари эса назорат маълумотларига нисбатан статистик жиҳатдан анча паст эди. ($p < 0,001$). Иккала клиник гуруҳда E2 концентрациясининг деярли тенг қийматларига қарамай, таққослаш гуруҳларига нисбатан ИОМ бор гуруҳда бир вақтнинг ўзида ФСГ сароб даражасининг сезиларли даражада ошиши аниқланди.

4-жадвал

Таққослаш гуруҳларида гормонал параметрлар

Гормон	6				7			
	ИОМ	АОМ 39	Назорат		ИОМ	АОМ 3	Назорат n	
Е2 (пг/мл)				,				001
ФСГ (МЕ/л)	5 ,	4	,		,	4 ,	,	< 0,05
ЛГ (МЕ/л)	,		,		,	,	,	003
Прл (мМЕ/мл)	,	,	,		,	,	,	01
17-ОН прог. (нг/мл)	,	,	,		,	,	,	
Т (нмоль/л)	,	,	,		,	,	,	01
Т4св. (нмоль/л)	6 ,	,	,		,	,	,	
ТТГ (μМЕ/мл)	,		,	>0,05	,		,	
АТГПО (МЕ/л)	,	,	,		,	,	,	<0,05


Идиопатик формадаги олигоменорея билан оғриган қизларда пролактин, 17-ОН-прогестерон ва тестостерон даражаси назорат гутрухи билан солиштирганда сезиларли даражада фарқ қилмади. АОМ бор гуруҳда ИОМ ва назорат билан таққослаганда 17-ОН-прогестерон ва Тнинг ортиши кузатилди.

ИОМ бор юқори кичик гуруҳда АнтиТПОни АОМ(13.6 ± 3.2 МЕ/л) ва назоратга (10.2 ± 1.4 МЕ/л) қараганда сезиларли ўсиши (20.0 ± 8.5 МЕ/л) ўзига диққатни тортади ($p < 0.05$).

Таққослаш гуруҳлардаги 25(ОН)D микдорида пасайиш аниқланди. ОИМ бор гуруҳдаги 25(ОН)D таркиби ёшлар гуруҳи 17.6 ± 3.3 нг/мл ва катталар гуруҳи 20.1 ± 4.0 нг/мл ни ташкил этди. АОМ гуруҳи, шунингдек, 16-17 ёшдаги (22.2 ± 3.2 нг/мл) ва 18-19 ёшдаги (23.5 ± 1.9 нг/мл) қизларда 25(ОН)D даражасини пасайгани кузатилди. Назорат гуруҳида 25(ОН)D даражаси ёшлар гуруҳида 22.1 ± 1.6 нг/мл 1.6 нг / мл ва катта ёшдагилар гуруҳида 22.4 ± 3.1 нг/мл ни ташкил этди.


ИОМ бор иккала ёш кичик гуруҳларидаги беморларда АМГ даражасининг АОМ гуруҳига ва шунингдек назорат маълумотларига нисбатан сезиларли даражада пасайиши аниқланди. ИОМ бор гуруҳда ўртача АМГ кўрсаткичлари 2.9 ± 0.6 нг/мл ни (15-17 ёшдагиларда) ва 2.7 ± 0.6 нг/мл ни (17-19 ёшдагиларда) ташкил этди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич қуйидагича бўлди:

ёши кичик гуруҳда - 6.1 ± 0.3 нг/мл ($p < 0.001$) ва катта гуруҳда - 6.0 ± 0.2 нг/мл ($p < 0.05$). АОМ гуруҳда ушбу кўрсаткичлар кичик ва катта ёшга мос равишда 7.4 ± 0.8 нг/мл и 9.1 ± 1.5 нг/мл ни ташкил этди (1-расм).



1 – расм. Таққослаш гуруҳлардаги АМГ даражалари

ИОМ бор шахслар гуруҳида АМГ нинг ўртача қийматлари АОМ бор гуруҳдаги ёш гуруҳдан 3,1 баравар, катта гуруҳдан 2,7 баравар ва назорат гуруҳида ёшидан қатъи назар 2 баравар паст бўлган. Биз томондан ИОМ, ТПКС ва БПТД бор бир гуруҳ беморлардан иборат танловда АМГ сароб даражаси батафсил таҳлил қилинди ва қиёсий баҳолашни амалга оширилди.



2 – расм. АМГ даражаларининг қиёсий хусусиятлари

ТПКС бор беморларда зардоб АМГ даражаси ИОМ бор гуруҳдан 4,1 ($p < 0.001$) баравар ва назорат қийматларидан 2,0 ($p < 0,001$) баравар юқори эди.

БПТД да АМГ даражаси ўртача 5,7 ва 5,9 нг / мл (иккила ёшдаги кичик гуруҳларда) еди ва назорат қийматларидан сезиларли фарқ қилмади ($p > 0,05$). Бу факт ўсмирларда БПТДда овариал захирасида пасайиш йўқлигини ва идиопатик олигоменореядан патогенетик механизмида тухумдон етишмаслик ривожланишидан фарқ қилишини кўрсатади (2-расм).

